MOLIYA

ILMIY JURNAL

5

2017



ISSN 2010-9604

TOSHKENT

МОЛИЯ

ИЛМИЙ ЖУРНАЛ **5/2017**

Муассис: **Тошкент молия институти**

Таҳририят ижодий жамоаси:

Бош муҳаррир: А.Каримов
Бош муҳаррир ўринбосари: Х.Шеннаев
Муҳаррир: М.Ҳусанова
Техник муҳаррир: Д.Ҳайдарова

Журнал Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 24 мартда 0519-рақами билан рўйхатга олинган.

2008 йилдан нашр қилинади, бир йилда 6 марта чиқади.

Ўзбекистон ҳудудида тарқатилади.

«Молия» илмий журнали Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси раёсатининг 2013 йил 13 декабрдаги 201/3-сонли қарорига биноан иқтисод фанлари бўйича фан доктори илмий даражасига талабгорларнинг диссертация ишлари юзасидан илмий мақолалари эълон қилиниши зарур бўлган ОАК илмий журналлари рўйхатига киритилган.

Веб-сайт: *www.tfi.uz/Issues/Jmoliya*
e-mail: *moliya@tfi.uz*
Обуна индекси — 1204

Таҳририят манзили: 100084,
Тошкент ш., Кичик ҳалқа йўли, 7-уй
Тел.: 234-66-89

ТАҲРИРИЯТ КЕНГАШИ РАИСИ:

Н.Ҳ.Ҳайдаров - Тошкент молия институти ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор

ТАҲРИРИЯТ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИ:

А.А.Каримов - бош муҳаррир, иқтисод фанлари доктори, профессор

Х.М.Шеннаев - бош муҳаррир ўринбосари, Тошкент молия институти академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари билан ишлаш бўйича проректори, иқтисод фанлари номзоди, доцент

А.В. Ваҳобов - иқтисод фанлари доктори, профессор

Т.К. Иминов - "Alskom" суғурта компанияси бош директори, иқтисод фанлари доктори, профессор

М.Б.Нурмуродов - Ўзбекистон Республикаси Марказий банк раиси

Т.Т.Жўраев - Тошкент молия институти профессори, иқтисод фанлари доктори

А.А.Омонов - Тошкент молия институти касб таълими кафедраси мудири, иқтисод фанлари доктори, профессор

Б.Э.Тошмуродова - Тошкент молия институти молиявий менежмент кафедраси мудири, иқтисод фанлари доктори, профессор

А.С.Жўраев - Тошкент молия институти профессори, иқтисод фанлари доктори

Э.Ғ.Набиев - Тошкент молия институти профессори, иқтисод фанлари доктори

Т.С.Маликов - Тошкент молия институти профессори, иқтисод фанлари доктори

Б.Қ.Ҳамдамов - Тошкент молия институти профессори, иқтисод фанлари доктори

Ш.Ш.Шоҳаъзамий - Тошкент молия институти профессори, иқтисод фанлари доктори

Ш.З.Абдуллаева - Тошкент молия институти профессори, иқтисод фанлари доктори

Ё.А.Абдуллаев - Тошкент молия институти профессори, иқтисод фанлари доктори

Ш.Н.Файзиев - Тошкент молия институти профессори, иқтисод фанлари номзоди

Т.М.Қоралиев - Тошкент молия институти профессори, иқтисод фанлари номзоди

ISSN 2010-9601

МУНДАРИЖА

МОЛИЯ ВА БЮДЖЕТ

Н.У. АРАБОВ. Меҳнат бозори инфратузилмасини ривожлантириш самарадорлигини оширишнинг молиявий-иқтисодий механизми.....5

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ

М.С.ҲОЖИЕВ. Нодавлат нотижорат ташкилотларида мақсадли тушумлар ҳисобини такомиллаштириш.....14

ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ

Ш.Ш. ШОХАЪЗАМИЙ. К вопросу о переходе к развитой фазе финансовой политики государства в Узбекистане.....23
Д. ТОЖИБОЕВА. Кишилик жамияти нима сабабдан фирмаларни танлади?...32
Қ.Қ.МАМБЕТЖАНОВ. Ялпи ички маҳсулотни ҳисоблашнинг концептуал асослари.....43
Д.С.ДЖУМОНОВ. Валюта муносабатларини либераллаштиришнинг ижтимоий - иқтисодий жараёнларга таъсири.....51
С. ДЖУРАЕВА. Иқтисодий ўсиш ва инновацион ривожланиш назариялари эволюцияси.....58

БАНК ИШИ

М.Ж.БАУЕТДИНОВ. Хўжалик юритувчи субъектларнинг ташқи иқтисодий фаолиятини молиялаштиришнинг долзарб масалалари.....65
Ж. ИСАКОВ. Тижорат банклари томонидан хизматлар соҳасини кредитлаш амалиётидаги муаммоларни таъминлаш йўллари.....69

УЎТ 336.6

Д. ДЖУМОНОВ

ВАЛЮТА МУНОСАБАТЛАРИНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ЖАРАЁНЛАРГА ТАЪСИРИ

Мақолада давлатлар ўртасида иқтисодий алоқаларнинг кенгайиши, интеграцион жараёнларнинг кучайиши шароитида валюта сиёсатини либераллаштириш масалалари таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: *валюта чекловлари, либерал ва рестриктив валюта сиёсати, инфляция суръати, тўлов баланси, пул оқими, хорижий инвестициялар, инвестицион муҳит, монетизация даражаси, иқтисодиётни либераллаштириш.*

В статье анализируется процесс либерализации валютной политики в условиях расширения экономических связей между странами и углубления интеграционных процессов.

Ключевые слова: *валютные ограничения, либеральная и рестриктивная валютная политика, темпы инфляции, платежный баланс, денежный поток, иностранные инвестиции, инвестиционный климат, уровень монетизации, либерализация экономики.*

In article process of liberalization of monetarist policies, economic possibilities and features of the country in the conditions of expansion of economic relations between the countries and deepening's of integration processes is analyzed.

Key words: *currency restrictions, liberal and restrictive currency policy, rates of inflation, balance of payments, capital stream, foreign investments, investment climate, level monetization, economy liberalization.*

Интеграцион жараёнларнинг чуқурлашиши, халқаро меҳнат тақсимоти, халқаро савдо, молиявий бозорларнинг глобаллашуви либераллашувнинг тезлашишига ҳамда капитал ҳаракати билан боғлиқ чекловлардан воз кечишга сабаб бўлмоқда. Капитал ҳаракати билан боғлиқ чекловларни бекор қилиш бевосита ёки билвосита бир бозор иштирокчисининг бошқа бир иштирокчи олдида устунликка эга бўлишига, эркин рақобатни рағбатлантиришга, халқаро муносабатларни самарали ташкил этишга олиб келади.

Либераллашув бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш ва мавжуд валюта чекловларини бекор қилишга сўмни тўлиқ конвертациялаш орқали эришиш мумкин. Иқтисодий адабиётларда ҳозиргача валютани конвертациялаш бўйича ягона ёндашув мавжуд эмас. Дастлаб конвертациялаш деганда қоғоз пулларни қимматбаҳо металларга эркин айирбошлаш тушунилган; олтин стандарт тизимида қоғоз пулларни конвертациялаш уларнинг барқарорлигини таъминлаш ва ортиқча пул бирликлари эмиссиясини автоматик тарзда назорат қилиш учун хизмат қилган. XVIII-XIX асрларда кўпгина иқтисодчилар бозор механизми миллий чегаралар доирасида мувозанатни, мамлакатлар ўртасидаги эркин рақобат халқаро пул тўловлари баланси мувозанатини таъминлайди деб таъкидлашган.

Олтин стандарт тизимининг емирилиши билан халқаро пул оқимининг автоматик тартибга солиниши тўғрисидаги таълимотлар асоссиз эканлиги аниқланди. 1923-1933 йиллардаги жаҳон молиявий инқирози шароитида кўпгина мамлакатлар тўлов балансининг ёмонлашиши, капитал "қочиши", валютанинг қадрсизланиши натижасида давлатлар ўртасида валюта чекловлари кенг

қўлланила бошланди. Иккинчи жаҳон урушининг бошланиши билан валюта чекловлари бутун дунё бўйлаб тарқалди. Конвертациялаш муаммоси миллий валютани чет эл валютасига эркин айирбошлаш имконияти сифатида қараладиган бўлди.

Ташқи конвертациялаш деганда маълум бир мамлакат пулини хорижий шериклар (норезидентлар) билан жорий операциялар бўйича ҳисоб-китоблар учун эркин айирбошлаш ҳуқуқини бериш тушунилади. ХВФ тавсифига кўра, агар валюта икки хусусиятга эга бўлса, ташқи конвертацияланувчи мақомига эга бўлади: биринчидан, норезидентларга тегишли бўлган мамлакат ҳудудида амал қиладиган валютадаги пул маблағлари ҳар қандай чет эл валютасига эркин айирбошланиши; иккинчидан, ҳукумат рухсати билан резидентларнинг норезидентлар ҳисобига амалга ошириладиган барча тўловлар резидентлар валюта бозорида сотиб олиш имкониятига эга бўлган ҳар қандай ташқи конвертацияланувчи валютада амалга оширилиши мумкин[2].

Ички конвертациялаш режимида миллий пул бирликлари чет эл валютасига эркин айирбошлаш фақат ушбу мамлакат резидентлари учун амал қилади, норезидентларга бундай ҳуқуқ қўлланилмайди. Бунга резидентларнинг мамлакат ичида хорижий валютадаги банк депозитлари ва валюта шаклидаги активларга эга бўлиш, улар билан операцияларни амалга ошириш ва сотиб олиш ҳуқуқи киради. Шу билан бирга, ички конвертацияга мамлакат ҳудудида резидентлар томонидан амалга ошириладиган шартномалар ҳам киради. Бир сўз билан айтганда, "агар мамлакат резидентларининг миллий валютадаги жамғармаларини ҳар қандай хорижий валютани сотиб олишда, норезидентларга турли мақсадлар учун ўтказиб беришда ва айирбошлашда хеч қандай тўсқинликлар бўлмаса, бундай валюта ички конвертацияланувчи ҳисобланади"[2].

Қисман конвертацияланувчи валюта режимида мазкур мамлакат пул бирликлари айрим хорижий валюталарга ҳамда маълум бир белгиланган халқаро тўлов операциялари учун айирбошланади. Бундан ташқари, қисман конвертацияланувчи валюта режимида хорижий валютани эркин айирбошлаш фақат жорий операцияларни амалга ошириш учун рухсат берилади ва капитал ҳаракати билан боғлиқ бўлган ҳар қандай операциялар учун чеклов ўрнатилади. Жорий операциялар бўйича конвертация деганда - товарлар савдоси, хизматлар, даромад ва трансфертлар халқаро ўтказмаси билан боғлиқ жорий халқаро операциялар бўйича тўловлар ва трансфетларга чекловларнинг олиб ташланиши тушунилади. ХВФ талабига асосан, мамлакат миллий пул бирлиги конвертацияланувчи валюталар таркибига кириши учун камида жорий операциялар бўйича конвертация жорий қилиниши керак.

Иқтисодчилар орасида тўлиқ конвертация хусусиятларини талқин қилишда ягона ғоя мавжуд эмас. Айрим иқтисодчилар, конвертациянинг бу турига жорий операциялар бўйича ички ҳамда ташқи конвертация хусусиятлари хос деб ҳисоблашади. Яъни тўлиқ конвертация шароитида барча валюта эгалари - резидент ва норезидентлар - пул маблағлари манбасидан қатъи назар ушбу маблағларни мамлакат ҳудудида ва чет элларда ҳеч қандай чекловларсиз жорий операцияларни амалга ошириш мақсадида ҳар қандай пул бирлигига айлантира олиш


имкониятига эга бўлади. Валюта муносабатлари соҳасидаги таниқли иқтисодчи Р.Макиннонниng таъкидлашича, "валюта конвертацияланувчи мақомига эга бўлиши учун чет эл товарлари ва хизматларини сотиб олиш хоҳиши бўлган мамлакат фуқаролари ягона белгиланган ёки тебранувчи валюта курсида миллий валютани хорижий валютага айлантира олиш имкониятига эга бўлиши ва ўз навбатида норезидентлар ҳам жорий операциялар бўйича миллий валютада олган пул маблағларини ягона валюта курсида сотиш ёки ушбу валютада белгиланган нархларда миллий товарларни сотиб олиш имкониятига эга бўлиши керак"[3].

Бошқа иқтисодчилар эса, тўлиқ конвертация деганда жорий ва капитал ҳаракати операциялари бўйича чекловлар мавжуд бўлмаслиги ҳамда нарх даражасига таъсир қилиш нуқтаи назаридан товар ва хизматлар экспорти ҳамда импортига чекловлар мавжуд бўлмаслиги керак деб таъкидлашади[4]. Капитал ҳаракати бўйича конвертацияда тўғридан тўғри ва портфел инвестициялар, грантлар ва кредитлар каби капитал ҳаракати билан боғлиқ халқаро операциялар бўйича трансфертлар ва тўловларга чекловлар мавжуд бўлмаслиги керак.

Конвертация тушунчасини кенгроқ кўриб чиқадиган бўлсак, уни икки даражада ўрганиш мумкин. Ҳуқуқий расмийлаштирилиш жиҳатидан валюта конвертацияси (де_юре) жорий ва капитал ҳаракати бўйича чекловларни бекор қилиш орқали амалга оширилса, бошқа томондан реал конвертациялаш (де_факто) - иқтисодиёт ривожланиш даражаси, яъни мамлакатнинг

1-чизма

2014-2015 йиллар оралиғида энг кўп инвестиция жалб қилган мамлакатлар (млрд.долл). (х)=мамлакатларнинг 2014 йилги ўрни[4].



институтционал инфраструктурасининг ривожланиш ҳолати билан боғлиқ ҳисобланади. Иккинчи даражадаги конвертацияда (де_факто) жорий ва реал ҳолат тушунилади [5].


Юқоридагилардан келиб чиқиб, тўлиқ конвертация тушунчасига миллий валютанинг дунё бўйлаб кенг фойдаланилиши, юридик ва жисмоний шахсларнинг (резидент ва норезидентлар) барча ташқи иқтисодий операциялар учун миллий валютанинг хорижий валютага эркин айирбошланишидаги тўсиқларнинг қонун билан бекор қилиниши деб таъриф бериш мумкин.

Ўзбекистонда валюта сиёсати ва ташқи савдо фаолияти соҳасини такомиллаштириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этиш, экспорт салоҳиятини ошириш, замонавий, экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришларни ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини барқарор ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йилнинг 2 сентябрида имзоланган "Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича

2-чизма

2014-2015 йиллар оралиғида энг кўп инвестиция киритган мамлакатлар (млрд.долл). (х)=мамлакатларнинг 2014 йилги ўрни.[6]



биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармоннинг эълон қилиниши бу соҳада амалга оширилиши кутилаётган ишларни янги босқичга олиб чиқади. Ушбу фармон 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ ҳамда валюта соҳасини тартибга солишнинг бозор механизмларини жорий қилиш, республика экспорт салоҳиятини оширишни рағбатлантириш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ташқи ва ички бозордаги рақобатдошлигини ошириш, мамлакатимизда инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш мақсадида қабул қилинди.

Ушбу фармонга мувофиқ юридик ва жисмоний шахсларга миллий валютани хорижий валютага айирбошлаш бўйича чекловлар бекор қилинди. Жисмоний шахслар тижорат банкларининг конверсион бўлимларида чет эл валютасини эркин сотиб олишлари, сотиб олинган маблағларни халқаро тўлов карталарига ўтказиб, улардан хорижда ҳеч қандай чекловларсиз, шу жумладан, банк ҳисобварақлари орқали хорижда ўқиш, даволаниш ва бошқа мақсадлардаги тўловлар учун фойдаланишлари мумкин. Бундан ташқари, фармонда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида товар (иш ва хизмат)лар учун тўловларни чет эл валютасида амалга ошириш тақиқланади деб белгилаб қўйилди. Шундай қилиб, юридик ва жисмоний шахслар мамлакат ҳудудида хорижий валютада тўловларни амалга оширишлари қонун билан тақиқланган экан, хорижий валютадан фақат чет элда тўловларни амалга оширишда фойдаланиш мумкин.

Лекин иқтисодий субъектлар томонидан мамлакат худудида нақд хорижий валютага талаб қуйидаги омиллар ҳисобига ҳам рўй беради.

Биринчидан, миллий валютанинг АҚШ долларига нисбатан девальвацияланиш жараёнини кузатилаётган пайтда, иқтисодий субъектлар жамғармаларининг реал қийматининг пасайишининг олдини олиш мақсадида ўз жамғармаларини хорижий валютада сақлашга интилишади ва шу мақсадда миллий валютани нақд хорижий валютага айирбошлаш жараёни кузатилади. Демак, республикамиз ички валюта бозорида хорижий валюталарга бўлган талабни барқарорлаштириш йўли билан миллий валютанинг АҚШ долларига нисбатан девальвацияланиш жараёнини тўхтатиш лозим.

Бунинг учун валюта сиёсатини либераллаштириш орқали хорижий инвестицияларнинг кириб келишини рағбатлантириш ҳамда қуйидаги чора-тадбирларни комплекс қўллаш талаб этилади:

- валюта интервенциясидан фаол тарзда фойдаланиш (амалда бошқариладиган сузиш режимидан фойдаланиш);
- мамлакатимиз ҳудудида ишлаб чиқариш имконияти бўлган товарларни импорт қилишга нисбатан тарифсиз чекловларни жорий этишни кучайтириш;
- хорижий валюталарга бўлган талаб кучайганда, ушбу талабни нейтраллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Тиклаш ва тараққиёт жамғармаси маблағларидан валютавий своп орқали фойдаланиш.

Иккинчидан, мамлакат ҳудудида узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар (кўчмас мулк, автомобиль ва бошқа қимматбаҳо маҳсулотлар) савдосини

хорижий валютада амалга ошириш жараёнининг давом этаётганлиги. Бунга сабаб сифатида миллий валютада тўловларни амалга оширишда катта миқдордаги пул маблағларини олиб юриш ва санаш каби ноқулайликлар мавжудлигини мисол қилишимиз мумкин. Ҳозирда бу ноқулайликларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2017 йилнинг 22 августда қиймати 50000 сўм бўлган банкнот кўринишидаги янги пул белгиларини муомалага чиқарди. Демак, мамлакат ҳудудида хорижий валютада амалга ошириладиган тўловлар миқдорини чеклаш мақсадида катта номинал қийматга эга пул бирликларини муомалага чиқариш жараёнини давом эттириш лозим.

Учинчидан, мамлакатга ноқонуний олиб кириладиган товарлар тўлови ҳамда турли хил халқаро тўлов тизимлари (WebMoney Transfer, Яндекс, Деньги, PayPal, RBK Money (RUpay) ва б.) орқали амалга ошириладиган ноқонуний операциялар учун нақд хорижий валютадан фойдаланиш. Мамлакатга ноқонуний товарлар кириб келишини олдини олиш учун чегараларни қўриқлаш тизимини мустаҳкамлаш ҳамда бундай товарларни олиб киришга бўлган интилишни иқтисодий механизмларни қўллаш орқали камайтириш, яъни импорт товарларига ўрнатилган бож тўловларини босқичма-босқич камайтириб бориш. Ҳозирда дунё бўйлаб интернет тармоғи орқали тўловларни амалга ошириш ривожланиб бораётган бир пайтда, капиталнинг халқаро тўлов тизимлари орқали чиқиб кетиш хавфи ҳам кучаймоқда. Ўзбекистонда интернет тармоқлари орқали ноқонуний тўловларни амалга ошириш устидан назорат қилувчи орган ташкил қилиш ва бу соҳада кадрлар тайёрлаш тизимини ишлаб чиқиш лозим.

Фармонда товарлар (иш, хизматлар) экспортидан тушган валюта тушумини мажбурий сотиш тартиби мулкчилик шакли ёки экспорт қилинаётган маҳсулот туридан қатъи назар, барча экспортчи ташкилотлар учун бутунлай бекор қилинди. Валюта тушумини мажбурий сотиш тартибининг ўзгариши экспорт ҳажмининг ўсишига, экспорт қилувчи корхоналар фаолиятини янада ривожлантириш учун катта имкониятлар беради. Бундан ташқари, хорижий инвестициялар оқимининг кўпайишига замин яратади.

Миллий валютанинг чет эл валютасига нисбатан курсини белгилашда фақатгина бозор механизмидан фойдаланиш учун Марказий банк оқилона пул-кредит ва валюта сиёсатини амалга ошириши, валюта бозорида хорижий валютага бўлган талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатли ҳолатни таъминлаши керак. Валюта курсини бозор механизми орқали белгилаш сузиб юрувчи валюта курси режимига ўтиш кераклигини, бунда миллий валюта алмашинув курси валюта бозорида аниқланади ва Марказий банк томонидан амалга оширадиган ҳар қандай интервенциялар валюта курсининг кутилмаган тебранишларини тўхтатиш учун ўтказилади. Сузиб юрувчи валюта курси режимида хорижий валютага талаб кўпайганда миллий валютанинг девальвация жараёни кучаяди, инфляцион босим юзага келади. Бундай шароитда, Марказий банк олтин валюта заҳирасидан хорижий валютани муомалага чиқариши, яъни валюта курсининг кескин тебранишини тўхтатиш учун валюта интервенциясидан фойдаланиши керак.

Умуман олганда, Ўзбекистонда валюта муносабатларини либераллаштириш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар барқарор иқтисодий ўсишни

таъминлашга, хусусий тадбиркорликнинг ривожланишига, хорижий компанияларнинг иқтисодиётимизга йўналтирадиган инвестициялари ҳажмининг ошишига ва пировард натижада аҳоли турмуш тарзининг юксалишига олиб келади.

Албатта, ислоҳотларнинг дастлабки босқичида валюта муносабатларини либераллаштиришдан кутиладиган самара у қадар юқори бўлмаслиги, бу жараён иқтисодиётимизга салбий таъсир кўрсатиши ҳам мумкин. Биз тараққиётнинг янги босқичига ўтар эканмиз, миллий ишлаб чиқарувчиларимизни юқори бож тарифлари орқали ҳимоялаш, сунъий рақобат муҳитини шакллантириш тизимидан воз кечишимиз, хорижий капиталнинг кириб келишига салбий таъсир кўрсатаётган ҳар қандай тўсиқлардан воз кечишимиз, миллий иқтисодиётимизни жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув жараёнини тезлаштиришимиз керак.

Ўзбекистоннинг узоқ муддатли ривожланиш стратегиясида мамлакатга хорижий инвестицияларни жалб қилиш асосий масалалардан бири экан, бунга капитал ҳаракати бўйича конвертацияни жорий қилиш орқали эришиш мумкин. Капитал ҳаракати бўйича чекловларни бекор қилиш тўғридан тўғри инвестициялар оқимининг кўпайишига ва инвестицияларни жалб қилиш харажатларини камайишига таъсир қилувчи асосий омил бўлиб хизмат қилади. Бу инновацияларни, технологик жараёнларни рағбатлантиради ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлайди. Капитал оқимини либераллаштириш жаҳон иқтисодиёти доирасида ресурсларни самаралироқ тақсимлашга олиб келади ва бу инвестиция киритувчи мамлакат учун ҳам инвестицияни қабул қилувчи мамлакат учун ҳам фойдали ҳисобланади.

Капитал ҳаракати бўйича чекловларни бекор қилиш ташқи иқтисодий операциялар бўйича транзакцион ва курс билан боғлиқ харажатларнинг камайишига, нисбий устунлик тамойили асосида мамлакатлар ўртасидаги ташқи савдо алоқаларининг кучайишига, хорижий капитал ва технологияларни киритиш имкониятининг ошишига олиб келади.

Молиявий бозорларнинг очиқлик даражаси инвестиция оқимини ошишига ҳамда портфел инвестицияларни халқаро диверсификациялаш орқали молиявий рискларни камайишида муҳим роль ўйнайди. Шундай қилиб, иқтисодий интеграция шароитида валюта муносабатларини либераллаштириш мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий ва молиявий алоқаларнинг кучайишига олиб келади.

Юқоридаги фикрларни илмий асослаш мақсадида мамлакатларга кириб келган инвестициялар миқдорини таҳлил қиламиз.

1 ва 2 чизма маълумотларини таҳлил қиладиган бўлсак, хорижий инвестицияларни жал қилиш ва уларни бошқа мамлакатларга киритиш бўйича юқори рейтингга эга 20 та мамлакатларнинг аксариятида капитал ҳаракати бўйича конвертация жорий қилинган. Юқорида капитал ҳаракати бўйича конвертация жорий қилган мамлакатлар ўртасида иқтисодий ва молиявий алоқалар кучайиши юз беради деб таъкидлаган эдик. Буни берилган маълумотлар асосида тахлил қиладиган бўлсак, инвестициялар экспорти ва импорти бўйича юқори рейтингга эга 20 та мамлакатда ўзаро молиявий алоқалар юқори даражада амалга оширилган.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони тадбиркорлик субъектларига ташқи савдо фаолиятини амалга оширишда тенг шароитлар яратишга, хорижий инвестициялар оқимининг ошишига ва барқарор иқтисодий ўсишга замин яратади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони. 2017 йил 2 сентябрь.*
2. *Twenty Years of International Cooperation. The International Monetary Fund, 1945_1965. - V. II. - 350 p. [P. 226-227].*
3. *McKinnon R.J. Money in International Exchange. The Convertible Currency System. - N.Y., 1979. - 415 p.*
4. *Кругман П., Обстфельд. М. Международная экономика: Теория и практика: Пер. с англ. - М; ЮНИТИ, 1997.*
5. *Quinn D. The Correlates of Change in International Financial Regulation // American Political Science Review. - 1997. - V. 91. №3. - P. 531-551.*
6. *www.unctad.org/fdistatistics.*

УЎТ 330.33

С. ДЖУРАЕВА

ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ВА ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ НАЗАРИЯЛАРИ ЭВОЛЮЦИЯСИ

Мақолада иқтисодий ўсиш ва инновацион назарияларга иқтисодиёт омиллари ҳамда моделлари бўйича ёндашувлар таҳлил қилинган .

Таянч сўзлар: *иқтисодий ўсиш, инвестиция, жамғарма, инновация, тадбиркорлик, капитал қўйилма.*

В статье анализируются различные подходы к экономическому росту и теории инноваций по факторам и моделям экономики.

Ключевые слова: *экономический рост, инвестиции, сбережения, инновации, предпринимательство, капиталовложения.*

The article analyzes the different approaches to economic growth and innovation theory by factors and models of economics.

Key words: *economic growth, investment, savings, innovation, entrepreneurship, capital investment.*

Иқтисодий ўсиш ҳар қандай давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади. Иқтисодий ўсиш тушунчаси аҳоли фаровонлигини яхшилаш ва турмуш сифати даражасини оширишни ўз ичига олади. Барқарор иқтисодий ўсиш шароитида аҳоли эҳтиёжларини тўлиқроқ қондириш, илмий-техник ишланмаларни кенгайтириш, янги инновацион ижтимоий, сиёсий ва стратегик дастурларни ҳаётга татбиқ этишни тақазо этади. Иқтисодий ўсиш натижасида фан ривожланиши, технологиялар узлуксиз модернизация қилиниши ва уларнинг янги инновацион ривожланиши юз беради. Шунингдек, мамлакат иқтисодиётининг ҳамма тузилмаларида муҳим эволюцион

Тошкент молия институтининг «Таҳририят ва нашриёт»
бўлимида нашрга тайёрланди.

Материаллар кўчириб босилаётганда «Молия» илмий журналидан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Журналда эълон қилинаётган материаллардаги далиллар, рақамлар ва маълумотларнинг тўғрилиги учун уларнинг муаллифлари жавобгар ҳисобланади.

Таҳририят фикри доим ҳам муаллифлар фикрига мос келавермайди.

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди.

«Молия» илмий журналига «Матбуот тарқатувчи» АК ҳамда
«INTER PRESS» компаниялари орқали обуна бўлиш мумкин.

Теришга берилди: 08.11.17 й. Босишга рухсат этилди: 09.11.17 й. Бичими $70x108_{1/16}$.
Шартли босма табоғи 12,6.
Ҳисоб-нашр табоғи 12,6.
Адади 305 нусха. Буюртма № 63

Босмахона гувоҳномаси № 10-24-10
«Ҳумоюнбек истиқлол мўъжизаси» босмахонасида ризография
усулида чоп этилди.